

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“ФАРМАЦИЯДА ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ

МАТЕРИАЛЫ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

“АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ
ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ
И ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ”

Тошкент-2009

Таҳрир ҳайъати:

Раис: Юнусхўжаев АН.

Аъзолар: Шабилолов А.А.
Аминов С.Н.
Расулова С.А.
Файзуллаева Н.С.

Биологик кальций ва мумие асосида янги препарат яратиш технологияси

З.Бегимова, Ф.Х.Тухтаев, Х.М.Камилов

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: мамлакатимизни барча жабхалари қаторида фармацевтика соҳаси ҳам бозор иқтисодиётига асосланган тарақиёт йулидан жадал илдамлаб бормоқда. Фармацевтика фаолияти соҳасининг мустақил ривожланиши, халқаро тажрибаларга асосланиб ташкил этиш ва ташаббусларни қўллаш мақсадида ҳукуватимиз томонидан қатор ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Бу борада янги препаратни технологиясини яратиш ва амалиётга тадбиқ қилиш долзарб муаммодир. Ана шу мақсадда биз тозаланган мумиё қуқунини биологик кальций билан биргалиқда дори шакли технологиясини яратишни мақсад қилиб олдик. Маълумки мумиё препаратлари ҳисобланган қуқунлар, суртмалар ва б. қўринишдаги воситаси қадимдан табобатда кенг қўлланилиб келинган. Ҳозирги қуқун келиб турли касалликларни даволашда самарали натижаларга эришилган. Мумиё қуқунини биологик кальций билан биргалиқда ишлатилиши кальций етишмовчилигини қондирибгина қолмай, балки суякларни минерал зичлигини ҳам тўлдиришга, бошқа препаратларга қараганда бир мунча юмшоқ таъсир қилига асосланган.

Усуллар: биотехнологик усулда ажратиб олинган биологик кальций препаратидан тортиб олинди. Тозаланган мумиё қуқуни 100 мкмли элакдан ўтказилди ва биологик кальций билан яхшилаб аралаштирилди. Олинган масса 95% ли этил спирти билан мўътадил нам масса ҳосил бўлгунча намланди ва 40-60 0С хароратли қуритиш шкафига қўйилиб 1-2 соат давомида қуритилди. Қуритилган массага крахмал ва кальций стеарати билан упаланди. Бунда битта таблетканинг таркиби қуйидагича: биологик кальций– 0,500 грамм, тозаланган мумиё қуқуни – 0,05 грамм, крахмал қуқуни – 0,044 грамм, кальций стеарати – 0,006 грамм. Таблетканинг умумий массаси – 0,600 грамм.

Натижалар: олинган таблеткаларнинг миқдорий кўрсаткичлари ўрганилди таркибидаги фаол кальций ионининг миқдори 30%дан кам бўлмаслиги, кальций карбонатга нисбатан титронометрик усулни қўлланиши натижасида кальций карбонатнинг миқдори 70 % дан кам бўлмаслигини кўрсатди. Таблетка олиш жараёнида шуниси ҳам маълум бўлдики, биологик кальций таркибида намлиги кам бўлганлиги ва ушбу модда ўзига гигроскопик моддаларни яхши бириктира олиши маълум бўлди. Натижада эса гигроскопик қуқунларни нам ютиш хусусиятини ҳам камайтира олиш имкониятига ҳам эга.

Хулосалар: олинган таблеткаларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари баҳоланди. Намуна таблеткаларни фармакологик таъсирини ўрганиш зарурлиги ва келажақда янги таъсирга эга бўлган ушбу препаратни тўлиқ ўрганиб чиқиб амалиётга тадбиқ этиш мақсад қилиб олинди.